

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**А. ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАКУЛТЕТИ**

УМУМИЙ МАТЕМАТИКА КАФЕДРАСИ

Ҳимоя қилишга руҳсат бераман
Физика–математика факултети декан
_____ доц Б. Эргашев
“ _____ ” _____ 2012 йил

**Физика – математика факултети
Б 5140100 Математика – информатика таълим йўналиши
бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

**“Сиртлар дифференциал геометриясини координаталар
системасининг берилиш усуллари ёрдамида ўрганиш” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИСҲИ

Бажарувчи: ЖДПИ „математика ва информатика“ таълим
йўналиши

битирувчиси: _____ Қўшбоқова. Г.

Илмий раҳбар: _____ кат.ўқт. Қурбонов Е.

БМИ “Умумий математика” кафедраси йиғилиши қарори билан

(Қарор № _____ “ _____ ” _____ 2012 йил) ҳимояга тавсия етилди

Кафедра мудири: доц. О. Абдуллаев _____

Жиззах – 2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....3

И БОБ. ГАЛИЛЕЙ ТЕКИСЛИГИНИНГ ТАЪРИФИ ВА МЕТРИС МУНОСАБАТЛАРИ.

**1.1-§. Нукталар орасида масофа ва тўғри чизиклар орасидаги
бурчак.....5**

**1.2-§. Хозирги Евклид геометрияси аксиомалари ва улардан
келиб чиқадиган натижалар.....17**

ИИ БОБ. ЯРИМ ЕВКЛИД ТЕКИСЛИГИДА УЧБУРЧАКЛАРГА ДОИР МЕТРИК МУНОСАБАТЛАР.

**2.1-§. Ярим евклид текислигидаги учбурчаклар учун синуслар
теоремаси..... ..23**

**2.2-§. Ярим евклид текислигидаги ички ва ташқи чизилган
айланалар...30**

Хулоса.....38

Адабиётлар.....45

Кириш

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора тадбирлари белгиланган. Жаҳон молиявий инқироzi оқибатлари тасирини ҳар томонлама ҳисобга олиш, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар нуқтаий назаридан шакиллантириш ва уларни изчил амалга ошириш давр талабидир. Бу борадаги чора тадбирлар президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисоди инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг йўллари ва чоралари” асарида батафсил баён етилган [6].

Маълумки [7], учбурчакларга доир метрик муносабатлар умумий таълим мактабларидан батафсил ўрганилган. Ушбу битирув малакавий ишида учбурчак комонлари ва бурчаклари орасидаги метрик муносабатлар ярим евклид текислигида ўрганилган, аниқроқ қилиб айтганда элементар геометриянинг учбурчакларга доир метрик муносабатлари синуслар теоремаси, косинеслар теоремаларининг ярим евклид тексликдаги кўринишлари келтириб чиқарилган.

Битирув малакавий ишида Евклид ва ярим Евклид геометриялари паралел келтирилган. Бу билан қўйилган масалани олдиндан тасаввур қилиш ва ечиш осонлашди.

Ишнинг 1.1 параграфида ярим евклид текислиги ва унинг асосий тешунчаларига таърифлар [9] келтирилган ҳамда тегишли ифодалар

исботланган. Шунингдек бу параграфада қўйилган масалани ечиш учун зарурий тушунчалар тўлиқ келтирилган.

1.2 Параграфида ярим евклид текислигининг аксиёмалари системасини яхшироқ тасаввур қилиш мақсадида уларнинг евклид текислигидаги кўринишлари ва улардан келиб чиқадиган кўпгина натижалар исботлари билан ўрганиш учун келтирилган [3].

Ишнинг II боби асосий боб ҳисобланиб, унда қўйилган масала тўлиқ ечимини топган. 2.1 параграфада ярим евклид текислигидаги ихтиёрий учбурчак томонлари ва бурчаклари орасидаги асосий муносабатлар [5], Пифагор теоремаси, учбурчаклар учун синуслар теоремаси, косинуслар теоремасининг кўринишлари ҳамда ярим евклид тексликлардаги учбурчакка ички ва ташқи чизилган айланалар ҳақидаги маълумотлар [12] батафсил келтирилган.

Битирув малакавий иши II боб, 4 та параграфни ўз ичига олган жами 45 бетдан иборат.

Физика – математика факултети “Математика ва Информатика ”
талим йўналиши битирувчи босқич талабаси Артикова Санобар “Галилей
текислигида учбурчакка доир метрик муносабатлар” мавзусида ёзган
битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Маълумки [3], геометрия ихтиёрий ҳаракатда ўзининг катталигини, миқдорини ва маъносини сақлаб қолувчи тушунчаларнигина ўрганади. Ушбу битирув малакавий ишида умумий таълим мактабларидан маълум бўлган геометрик тушунчаларни ва улар орасидаги муносабатларни ярим евклид текислигидаги учбурчаклар мисолида ўрганилган. Ишнинг И – бобида ярим евклид текислигининг асосий таърифлари ва асосий тушунчалари шунингдек қўйилган масалаларни ечиш учун зарурий тушунчалар келтирилган.

Битирув малакавий ишининг 1.1 парагорафида евклид ва ярим евклид текислигидаги элементар геометрие масалалар ўрганилган. Асосий натижалар сифатида ихтиёрий учбурчакнинг томонлари орасидаги $a+b=c$ ва бурчаклари орасидаги $\angle a + \angle b = \angle c$ муносабатларни келтириш мумкин. Чунки олинган барча натижаларда бу муносабатлардан тўлиқ фойдаланилган. Бундан ташқари талаба евклид текислигидаги ўхшаш учбурчаклар томонлари орасидаги муносабатларни ҳам яхши билганлиги учун улардан яримевклид текислигидаги косинуслар ва синуслар теоремасини келтириб чиқаришда уддабуронлик билан фойдаланилган. Қўйилган масалалар евклид геометриясида тўлиқ олдиндан ечилган бўлсада, олинган натижаларни янглик деб ҳисоблаш мумкин.

Шунингдек, ишда учбурчакка ички ва ташқи чизилган айланаларнинг яримевклид текислигидаги кўринишлари жуда қизиқарли ҳолат деб ҳисоблайман. Метрика ҳисобига айланаларнинг яримевклид текислигидаги кўринишлари парабола (цикл) бўлиб қолиши жуда ҳам аҳамиятлидир. Чунки бу билан дифференциал геометрия тушунчаларидан бири егрилиги ўзгармас чизикларига мисоллар топилган. Аниқроқ айтганда, евклид текислигида егрилиги ўзгармас чизик айлана бўлса, ярим евклид текислигида бундай чизиклар ролини параболалар бажаради. Талаба Артикова Санобар томонидан “Галилей текислигида учбурчакка доир метрик муносабатлар” мавзусида тайёрланган БМИ олий ўқув юртларида бажариладиган БМИ низоми талабларига мос келади. Шунинг учун, уни ДАХ ҳузурида ҳимояга тавсия етман.

ф.м.ф.н. доц.

Р. Анваров

Физика – математика факултети “Математика ва Информатика ”

талим йўналиши битирувчи босқич талабаси Артикова Санобар “Галилей текислигида учбурчакка доир метрик муносабатлар” мавзусида ёзган битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Учбурчакларга доир метрик муносабатлар умумий таълим мактабларидан батафсил ўрганилган. Ушбу битирув малакавий ишида учбурчак комонлари ва бурчаклари орасидаги метрик муносабатлар ярим евклид текислигида ўрганилган, аниқроқ қилиб айтганда элементар геометриянинг учбурчакларга доир метрик муносабатлари синуслар теоремаси, косинеслар теоремаларининг ярим евклид тексликдаги кўринишлари келтириб чиқарилган.

Битирув малакавий ишида Евклид ва ярим Евклид геометриялари паралел келтирилган. Бу билан қўйилган масалани олдиндан тасаввур қилиш ва ечиш осонлашди.

Ишнинг 1.1 параграфида ярим евклид текислиги ва унинг асосий тешунчаларига таърифлар [9] келтирилган ҳамда тегишли ифодалар исботланган. Шунингдек бу параграфда қўйилган масалани ечиш учун зарурий тушунчалар тўлиқ келтирилган.

Ишдаги асосий натижалар сифатида ихтиёрий учбурчакнинг томонлари орасидаги ва бурчаклари орасидаги муносабатларни келтириш мумкин. Чунки олинган барча натижаларда бу муносабатлардан тўлиқ фойдаланилган. Бундан ташқари талаба евклид текслигидаги ўхшаш учбурчаклар томонлари орасидаги муносабатларни ҳам яхши билганлиги учун улардан яримевклид текслигидаги косинуслар ва синуслар теоремасини келтириб чиқаришда уддабуронлик билан фойдаланилган. Қўйилган масалалар евклид геометриясида тўлиқ олдиндан ечилган бўлсада, олинган натижаларни янглик деб ҳисоблаш мумкин.

Шунингдек, ишда учбурчакка ички ва ташқи чизилган айланаларнинг яримевклид текислигидаги кўринишлари жуда қизиқарли ҳолат деб ҳисоблайман. Метрика ҳисобига айланаларнинг яримевклид текислигидаги кўринишлари парабола (цикл) бўлиб қолиши жуда ҳам аҳамиятлидир. Чунки бу билан дифференциал геометрия тушунчаларидан бири егрилиги ўзгармас чизиқларига мисоллар топилган. Аниқроқ айтганда, евклид текслигида егрилиги ўзгармас чизиқ айлана бўлса, ярим евклид текслигида бундай чизиқлар ролини параболалар бажаради. Талаба Артикова Санобар томонидан “Галилей текислигида учбурчакка доир метрик муносабатлар” мавзусида тайёрланган БМИ олий ўқув юртларида бажариладиган БМИ низоми талабларига мос келади. Шунинг учун, уни ДАХ ҳузурида ҳимояга тавсия етаман.

Сирт тушунчаси ва уни берилиши.

Текисликдаги очик доирага гомеоморф тўпламни элементар соқа деб атаймиз.

Таъриф. Фазодаги Φ тўплаг элементар соқанинг топологик акслантиришдаги образи бўлса, уни элементар сирт деб атаймиз. Демак, Φ тўплаг элементар сирт бўлса, $f: \Gamma \rightarrow \Phi$ -топологик акслантириш мавжуд бўлиши керак.

Бу ерда $G \subset R^2$ элементар соқа, Φ еса R^3 дан келтирилган топология ёрдамида топологик фазога айлантирилган. Φ элементар сирт бўлса, (f, G) жуфтлик Φ ни параметрлаш усули дейилади.

Албатта Γ_1 бошқа элементар соқа бўлса, Γ ва Γ_1 ўзаро гомеоморф бўлади. $g: \Gamma_1 \rightarrow G$ гомеоморфизм бўлса, $f \cdot g: \Gamma_1 \rightarrow \Phi$ кам гомеоморфизмдир.

Демак, элементар сирт учун чексиз кўп параметрлаш усуллари мавжуддир. Бирорта тўплагнинг элементар сирт еканлигини кўрсатиш учун, унинг бирорта параметрлаш усулини кўрсатиш керак.

Агар Φ сирт (f, G) параметрлаш усули билан берилиб, $(u, v) \in G$ учун $\phi(u, v)$ нуқтанинг координаталари $x(u, v), y(u, v), z(u, v)$ лар бўлса

$$\begin{cases} x = x(u, v) \\ y = y(u, v) \\ z = z(u, v) \end{cases} \quad (1)$$

система Φ сиртнинг параметрик тенгламалари системаси дейилади.

Таъриф. Фазодаги боғланишли Φ тўплагга тегишли қар бир нуқтанинг бирорта атрофида Φ элементар сиртга айланса, Φ содда сирт дейилади.

Иккинчи таърифга изоқ берамиз, демак, Φ содда сирт бўлиши учун унга тегишли қар бир $p \in \Phi$ нуқта учун шундай $U(p)$ атроф (R^3 да) мавжуд бўлиб, кесишма $U(p) \cap \Phi$ элементар сирт бўлиши керак.

Кейинчалик курс давомида сирт деганда элементар ёки содда сиртни тушунамиз.

Мисоллар.


1) Қар қандай текислик элементар сиртдир, чунки текислик доирага гомеоморфдир.

Агар $M(x_0, y_0, z_0)$ текислик нуқтаси, $\vec{a}$ ва $\vec{b}$ векторлар текисликка параллел бўлса, уни

$$\vec{r} = \vec{r}_0 + \vec{a}u + \vec{b}v, \quad -\infty < u < +\infty, \quad -\infty < v < +\infty$$

кўринишида параметрлаш мумкин. Бу ерда $\vec{r}_0 = \{x_0, y_0, z_0\}$ - M нуқтанинг радиус векторидир.

2) Элементар G -соқада аниқланган $z = f(x, y)$ – узлуксиз функция графиги элементар сиртдир. Сабаби, $(x, y, f(x, y)) \rightarrow (x, y)$ – акслантириш (проексия) гомеоморфизмдир.



Чизма-1


3) Икки ўлчамли сфера S^2 элементар бўлмаган содда сиртдир. R радиусли сфера S^2 нинг марказига координаталар бошини жойлаштирсак, уни $S^2 = \{(x, y, z) \in \mathbb{R}^3 : x^2 + y^2 + z^2 = R^2\}$ тўплам сифатида қарашимиз мумкин. S^2 нинг сирт еканлигини исботлаш учун унга тегишли бирорта P ни олайлик.

P дан фарқли S нуктани жанубий кутб сифатида, унга диаметрик қарама-қарши бўлган N нуктани шимолий кутб қисоблаб, z ўқини координата бошидан N нукта орқали ўтказамиз, Ox текислиги еса O нўқтадан ўтувчи ва ON га перпендикуляр текисликдир. Бу текислик ва сфера кесишишидан қосил бўлган айланани экватор деб атаيمиз. Енди y билан OQ нур ва Ox ўқи орасидаги бурчакни, y билан OP ва OQ нурлар орасидаги бурчакни белгилаймиз. Бу ерда $Q - NPS$ меридианнинг экватор билан кесишиш нуктасидир, $0 < u < 2\pi$,

$-\frac{\pi}{2} < v < \frac{\pi}{2}$. Шунда S^2 нинг HC - меридиан чиқариб ташланган қисми


$\varphi: P \rightarrow (u, v)$ акслантириш ёрдамида $]0; 2\pi[\times]-\frac{\pi}{2}; \frac{\pi}{2}[$ элементар соқага

гомеоморф акслантирилади ва $x = R \cos u \cos v$, $y = R \sin u \cos v$, $z = R \sin v$ тенгламалар ёрдамида параметрланади.



Чизма-2

4) $x = R \cos u, y = R \sin u, z = v$. тенгламалар системаси доиравий цилиндрнинг параметрик тенгламаларидир. Бу ерда $-\infty < u < +\infty, -\infty < v < +\infty$. Албатта цилиндр ҳам элементар сирт емас.



Чизма-3

Агар биз $\vec{r}(u, v) = \{x(u; v); y(u; v); z(u; v)\}$ вектор функцияни кирицак (1) ифодани

$$\vec{r} = \vec{r}(u; v), \quad (u, v) \in G \quad (2)$$

кўринишда ёза оламиз. Бу тенглама Φ сиртнинг вектор кўринишдаги тенгламаси дейилади. Табиийки, Φ сирт элементар сирт бўлмаса, (1) ва (2) тенгламалар уни бирорта нукта атрофида аниқлайди. Агар Φ элементар сирт бўлса, уни тўлиқ (1) ёки (2) тенгламалар ёрдамида аниқлаш мумкин.

2. Сиртнинг ошкормас кўринишда берилиши.

Бизга $G \subset R^3$ очик тўплам ва Γ да аниқланган силлиқ $F(x; y; z)$ функция берилган бўлсин.

Шунда $\Phi = \{(x; y; z) \in G : F(x; y; z) = 0\}$ тўплам Φ функциянинг сатк тўплами ёки сирти дейилади.

Агар $\text{grad} F \neq 0$ бўлса, Φ ҳақиқатдан ҳам содда сирт бўлади. Ҳақиқатдан, агар $p = (x_0; y_0; z_0) \in \Phi$ нуктада $F_z \neq 0$ бўлса, ошкормас функция ҳақидаги теоремага кўра, шундай $\delta > 0, \varepsilon > 0$ сонлари ва $G_0 = \{(x; y) : |x_0 - x| < \delta, |y_0 - y| < \delta\}$ соҳада аниқланган $z = f(x; y)$ функция мавжуд бўлиб, $(x; y) \in G_0$ лар учун $F(x; y, f(x; y)) = 0$ тенглик, $z_0 = f(x_0; y_0)$ ва $|z_0 - f(x; y)| < \varepsilon$ муносабатлар бажарилиб,

$$\Pi = \{(x; y; z) : |x_0 - x| < \delta, |y_0 - y| < \delta, |z_0 - z| < \varepsilon\}$$

параллелипипеднинг Φ билан кесишмаси $z = f(x; y)$ функциянинг графигидан иборатдир. Демак, Φ ўзига тегишли ҳар қандай нуктанинг етарли кичик атрофида элементар сирт бўлади.

Бизнинг курсимизда асосий метод математик анализ бўлганлиги учун, биз сиртлардан қўшимча шартларни талаб қиламиз.

Таъриф. Φ сирт учун унга тегишли ихтиёрий нуқта атрофида (f, G) параметрлаш усули мавжуд бўлиб, бунда $x(u, v), y(u, v), z(u, v)$ функциялар узлуксиз хусусий қосилаларга ега ва $\begin{pmatrix} x_u & y_u & z_u \\ x_v & y_v & z_v \end{pmatrix}$ матрисанинг ранги иккига тенг бўлса, Φ сирт регуляр сирт дейилади, параметрлаш усули еса регуляр параметрлаш дейилади.

Сиртнинг регулярлик шартини $\left[\vec{r}_u, \vec{r}_v \right] \neq \vec{0}$ кўринишда кам ёзишимиз мумкин. Биз курсимизда асосан регуляр сиртларни ўрганамиз.

Энди сиртларнинг берилиш усуллари қақида қуйидаги теоремаларни исботлайлик.

Теорема. Бизга Γ соқада аниқланган силлиқ $x(u, v), y(u, v), z(u, v)$ функциялар берилиб, қар бир нуқтада $\text{rang} \begin{pmatrix} x_u & y_u & z_u \\ x_v & y_v & z_v \end{pmatrix} = 2$ бўлса,

$$\begin{cases} x = x(u, v) \\ y = y(u, v) \\ z = z(u, v) \end{cases} \quad (u, v) \in G$$

система регуляр сиртни аниқлайди.

Теорема. Регуляр Φ сирт унга тегишли $p(u_0, v_0)$ нуқта атрофида,

$$\begin{cases} x = x(u, v) \\ y = y(u, v) \\ z = z(u, v) \end{cases}, \quad (u, v) \in G$$

параметрик тенгламалар ёрдамида берилиб, p нуқтада $\begin{vmatrix} x_u & y_u \\ x_v & y_v \end{vmatrix}$ детерминант нолдан фарқли бўлса, шундай силлиқ $f(x, y)$ функция мавжудки p нуқтанинг атрофида Φ сирт $z = f(x, y)$ функциянинг графигидан иборатдир.

Изоқ. Биз регуляр сиртларнинг параметрлаш усулини танлаганимизда қар доим $x_u, x_v, y_u, y_v, z_u, z_v$ қосилалар мавжуд ва узлуксиз бўлишини талаб қиламиз.

10-МАВЗУ. Егри чизиқли координаталар. Силлиқ сиртлар, уларни вектор функция ёрдамида параметрлаштириш. Сиртнинг уринма текислиги ва нормали.

Регуляр Φ сиртнинг $p \in \Phi$ нуқта атрофида регуляр (f, G) параметрлаш усули

$$\vec{r} = \vec{r}(u, v) \quad (1)$$

тенглама ёрдамида берилган, сирт устида p нуқтадан ўтувчи γ егри чизик берилган бўлиб, у

$$\vec{\rho} = \vec{\rho}(t), \quad a < t < b. \quad (2)$$

тенглама ёрдамида параметрланган ва $\gamma \subset f(G)$ бўлсин.

Аниқлик учун, p сирт нуқтаси сифатида $(u_0; v_0)$ координаталарга, егри чизик нуқтаси сифатида параметр t нинг t_0 қийматига мос келсин. Табиийки, қар бир $t \in (a; b)$ учун шундай $(u(t), v(t)) \in G$ нуқта мавжуд бўлиб,

$$\vec{\rho}(t) = \vec{r}(u(t), v(t)) \quad (3)$$

тенглик ўринли бўлади. Агар γ силлиқ егри чизик бўлса, $u(t), v(t)$ функциялар қам дифференциалланувчи функциялар бўлади. Буни исботлаш учун Φ нинг регуляри сирт еканлигидан фойдаланамиз. Φ регуляри сирт бўлганлиги учун

$\text{rang} \begin{pmatrix} x_u & y_u & z_u \\ x_v & y_v & z_v \end{pmatrix} = 2$. Аниқлик учун $\begin{vmatrix} x_u & y_u \\ x_v & y_v \end{vmatrix} \neq 0$ бўлсин деб фараз қилиб,

$\begin{cases} x = x(u, v) \\ y = y(u, v) \end{cases}$ системани қараймиз.

Агар γ силлиқ егри чизик бўлса, $\vec{\rho}(t)$ вектор функциянинг координаталари $x(t), y(t), z(t)$ дифференциалланувчи функциялар бўлади. Бирорта $t^* \in (a; b)$ учун $x^* = x(t^*), y^* = y(t^*), z^* = z(t^*)$. ва $u^* = u(t^*), v^* = v(t^*)$ белгилашлар киритиб,

$$\begin{cases} x = x(u, v) \\ y = y(u, v) \end{cases}$$

системани

$$\begin{cases} x(u^*, v^*) = x^* \\ y(u^*, v^*) = y^* \end{cases}$$

бошланғич шартлар билан қараймиз. Тескари функция қақидаги теоремага асосан шундай $\delta > 0, \varepsilon > 0$ сонлари ва

$$P_\delta = \{(x, y) : |x^* - x| < \delta, |y^* - y| < \delta\}$$

соқада аниқланган ва дифференциалланувчи $u = u(x, y), v = v(x, y)$ функциялар мавжуд бўлиб, улар

$$|u^* - u(x, y)| < \varepsilon, \quad x = x(u(x, y), v(x, y)), \quad u^* = u(x^*, y^*)$$

$$|v^* - v(x, y)| < \varepsilon, \quad y = y(u(x, y), v(x, y)), \quad v^* = v(x^*, y^*)$$

муносабатларни қаноатлантиради. Биз умумийликни чегараламасдан $P_\delta = \{(u, v) : |u^* - u| < \varepsilon, |v^* - v| < \varepsilon\}$ соқа учун $P_\delta \subset G$ муносабат ўринли деб қисоблаймиз.

Енди $\delta_0 > 0$ сонини шундай танлаймизки, $|t^* - t| < \delta_0$ бўлганда $|x^* - x(t)| < \delta, |y^* - y(t)| < \delta$ муносабатлар бажарилсин. $\pi : (x, y, z) \rightarrow (x, y)$ қоида билан аниқланган $\pi : R^3 \rightarrow R^2$ проексия ёрдамида $|t^* - t| < \delta_0$ учун

$$(x(t), y(t)) = \pi(x(t), y(t), z(t))$$

тенгликни қисобга олиб,

$$u(t) = u(x(t), y(t))$$

$$v(t) = v(x(t), y(t))$$

дифференциалланувчи функцияларни аниқлаймиз. Бу функциялар $u(t^*) = u^*, v(t^*) = v^*$ ва $\rho(t) = r(u(t), v(t))$ тенгликларни қаноатлантиради ва t^* нукта атрофида аниқланган функциялар бўлади. Бу t^* нукта ихтиёрий танлангани учун $u(t), v(t)$ функциялар (a, b) оралиқнинг қар бир нуктасида дифференциалланувчидир.

Агар γ регуляр егри чизик бўлса, у қолда


$$\vec{p}'(t) = \vec{r}_u \cdot u' + \vec{r}_v \cdot v'$$

тенгликдан u', v' ларнинг бир вақтда нолга тенг бўлмаслиги келиб чиқади. Шундай қилиб, γ егри чизикни

$$\begin{cases} u = u(t) \\ v = v(t) \end{cases}$$

тенгламалар билан бериш мумкин. Бу тенгламалар γ чизикнинг ички координаталардаги тенгламалари деб аталади.

Ф сиртда $u = t, v = v_0 = \text{const}$ ва $u = u_0 = \text{const}, v = t$ тенгламалар билан аниқланувчи егри чизиклар координата чизиклари деб аталади. Координата чизикларининг уринма векторлари мос равишда $\vec{r}_u$ ва $\vec{r}_v$ векторлардир (4-чизма).



Чизма-4

Таъриф. $\vec{a}$ вектор сирт устида ётувчи p нуктадан ўтувчи егри чизикнинг уринма вектори бўлса, у Ф сиртга p -нуктадаги уринма вектор деб аталади.

Теорема. Регуляр сиртнинг берилган нуктадаги уринма векторлари тўплами икки ўлчамли чизикли фазодир.

Таъриф. Φ сиртнинг $p(u_0; v_0)$ нуқтасидан ўтувчи ва $\vec{r}_u(u_0; v_0), \vec{r}_v(u_0; v_0)$ векторларга параллел текислик p нуқтадаги уринма текислик деб аталади.

Уринма текислик таърифида сиртнинг параметрланиш усулига боғлиқ $\vec{r}_u$ ва $\vec{r}_v$ векторлар қатнашишига қарамасдан уринма текислик тушунчаси сиртнинг параметрланиш усулига боғлиқ эмаслигини қуйидаги теорема кўрсатади:

Теорема. Π — $p(u_0; v_0)$ нуқтадан ўтувчи текислик, q сиртнинг p га яқин нуқталаридан бири, d — p ва q нуқталар орасидаги масофа, h — q нуқтадан Π текисликгача бўлган масофа бўлсин. Шунда Π текислик p нуқтадаги уринма текислик бўлиши учун,

$$\lim_{q \rightarrow p} \frac{h}{d} = 0 \quad (*)$$

тенгликнинг бажарилиши зарур ва етарлидир.

11-МАВЗУ. Сиртнинг биринчи квадратик формаси. Сирт устидаги чизикнинг ёй узунлиги, икки чизик орасидаги бурчак. Сирт устидаги соҳанинг юзаси.

R^3 — да регуляр Φ -сирт берилган бўлса, Φ га уринма фазо $T_p\Phi$ га тегишли иккита $\vec{a}, \vec{b}$ — векторлар учун уларнинг скаляр кўпайтмасини $I(\vec{a}, \vec{b})$ билан белгилаймиз. Бу скаляр кўпайтма ёрдамида Φ сиртнинг биринчи квадратик формасини аниқлаймиз.

Уринма фазода $\vec{r}_u$ ва $\vec{r}_v$ векторлар базисни ташкил қилганлиги учун $\vec{a} = a_1 \vec{r}_u + a_2 \vec{r}_v, \vec{b} = b_1 \vec{r}_u + b_2 \vec{r}_v$, -тенгликларни ёзиб,

$$I(\vec{a}, \vec{b}) = a_1 b_1 \vec{r}_u^2 + (a_1 b_2 + a_2 b_1) \cdot (\vec{r}_u, \vec{r}_v) + a_2 b_2 \vec{r}_v^2$$

ифодани ҳосил қиламиз. Демак, $I(\vec{a}, \vec{b})$ ни ҳисоблаш учун, $\vec{a}$ ва $\vec{b}$ векторларнинг $\vec{r}_u, \vec{r}_v$ базисдаги координаталарини ва $E = \vec{r}_u^2, F = (\vec{r}_u, \vec{r}_v)$ ва $G = \vec{r}_v^2$ функцияларни билишимиз етарли.

Биринчи квадратик формани,

$$I(\vec{a}, \vec{a}) = a_1^2 \cdot E + 2a_1 a_2 \cdot F + G a_2^2$$

кўринишда аниқлаймиз. Биринчи квадратик форма ёрдамида қуйидаги ишларни бажариш мумкин:

1. Сирт устида чизиклар узунлигини ҳисоблаш

Φ -сиртнинг (f, G) — параметрлаш усули

$$\vec{r} = \vec{r}(u, v)$$

тенглама ёрдамида берилиб, сиртда $u = u(t)$, $v = v(t)$. тенгламалар билан γ чизик берилган бўлсин. γ – учун параметрларнинг t_1 ва t_2 ($t_1 < t_2$) қийматларига мос келувчи ёй узунлигини ҳисоблайлик.

Биламизки, бу ёй узунлиги R^3 да,

$$l(\gamma) \Big|_{t_1}^{t_2} = \int_{t_1}^{t_2} \left| \vec{\rho}'(t) \right| dt$$

формула билан ҳисобланади.

Бу ерда $\vec{\rho}(t) = \vec{r}(u(t), v(t))$ ва $\vec{\rho}'(t) = \vec{r}_u u' + \vec{r}_v v'$ еканлигини ҳисобга олсак,

$$l(\gamma) \Big|_{t_1}^{t_2} = \int_{t_1}^{t_2} \sqrt{E \cdot u'^2 + 2F \cdot u'v' + G \cdot v'^2} dt$$

формулани ҳосил қиламиз.

2. Сирт устида ётувчи чизиклар орасидаги бурчак.

Φ -сиртда $\vec{\rho} = \vec{\rho}(t)$ ва $\vec{\rho}_1 = \vec{\rho}_1(s)$ тенглама билан регуляр чизиклар берилган бўлсин. Агар бу чизиклар кесишса (яъни $\vec{\rho}(t_0) = \vec{\rho}_1(s_0)$ тенгликни қаноатлантирувчи t_0, s_0 лар мавжуд бўлса), $\vec{\rho}'(t_0), \vec{\rho}'_1(s_0)$, векторлар орасидаги бурчакни шу нуқтадаги егри чизиклар орасидаги бурчак деб атаймиз: Бу бурчакнинг қиймати φ бўлса,

$$\cos \varphi = \frac{(\vec{\rho}'(t_0), \vec{\rho}'_1(s_0))}{\left| \vec{\rho}'(t_0) \right| \cdot \left| \vec{\rho}'_1(s_0) \right|}$$

тенглик ўринлидир. Бу ерда,

$$\begin{aligned} \vec{\rho}'(t_0) &= \vec{r}_u u'(t_0) + \vec{r}_v v'(t_0), \\ \vec{\rho}'_1(s_0) &= \vec{r}_u u'_1(s_0) + \vec{r}_v v'_1(s_0) \end{aligned}$$

тенгликларни ҳисобга олсак,

$$\cos \varphi = \frac{Eu'(t_0)u'_1(s_0) + F(u'(t_0)v'_1(s_0) + v'(t_0)u'_1(s_0)) + Gv'(t_0)v'_1(s_0)}{\sqrt{E(u'(t_0))^2 + 2Fu'(t_0)v'(t_0) + G(v'(t_0))^2} \cdot \sqrt{E(u'_1(s_0))^2 + 2Fu'_1(s_0)v'_1(s_0) + G(v'_1(s_0))^2}}$$

муносабатни ҳосил қиламиз.

МАВЗУ: ГАЛИЛЕЙ ТЕКИСЛИГИДА УСЎБУРСҲАККА ДОИР МЕТРИК МУНОСАБАТ.

И БОБ. ГАЛИЛЕЙ ТЕКИСЛИГИНИНГ ТАЪРИФИ ВА МЕТРИС МУНОСАБАТЛАРИ.

1.1.§ Нуқталар орасида масофа ва тўғри чизиқлар орасидаги бурчак.

Текисликда $\vec{a}(x_1, y_1)$ $\vec{b}(x_2, y_2)$ векторлар берилган бўлсин.

1.1.1- таъриф. $\vec{a}$ va $\vec{b}$ векторларнинг скаляр кўпайтмаси $(\vec{a} \cdot \vec{b})_1 = x_1 \cdot x_2$
 $(\vec{a} \cdot \vec{b})_2 = y_1 \cdot y_2$ агар $x_1 \cdot x_2 = 0$ бўлса кўринишда аниқланадиган аффин
текисликка Галилей текислиги дейилади. Кўпгина адабиётларда Галилей
текислиги ярим евклид текислиги ҳам деб аталади. Бунинг сабаби
векторларнинг скаляр кўпайтмаси Евклид текислигидаги векторлар скаляр
кўпайтмасининг ярми кўринишида эканлигидадир.

Евклид текислигидаги каби ярим Евклид мтекислигининг ҳам
ҳаракатлари мавжуд.

1.1.2-таъриф. Галилей текислигидаги нуқталарнинг координаталарини
алмаштирувчи

$$\begin{cases} x' = x + a \\ y' = vx + y + b \end{cases} \quad (1.1.1.)$$

Тенгламалар системасига Галилей текислигидаги ҳаракат деб аталади.
(1.1.1) ҳаракатни

$$\begin{cases} x' = x \\ y' = vx + y \end{cases} \quad (1.1.2)$$

Кўринишидаги Ой ўқ йўналишидаги силжиш ва

$$\begin{cases} x' = x \\ y' = y + b \end{cases} \quad (1.1.3)$$

Параллел кўринишиларга ажратиш мумкин.

1.1.1-теорема: (1.1.1) ҳаракат Галилей текислигидаги ҳар қандай тўғри чизиқни яна тўғри чизиққа параллел тўғри чизиқни ўзига параллел тўғри чизиққа ўтказди.


Исбиот: $y=k_1x+b_1$ тўғри чизиқ берилган бўлсин, у ҳолда $vx+y+b=k_1(x+a)+b_1$ ёки $y=(k_1-v)x+b_1-b$ тенглама яна тўғри чизиқ тенгламасини ифода этади.

$y=kx+b_1$ ва $y=kx+b_2$ ўзaro параллел тўғри чизиқлар берилган бўлсин, у ҳолда

$$\begin{cases} vx+y+b=k(x+a)+b_1 \\ vx+y+b=k(x+a)+b_2 \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} y=(k-v)x+b_1-b \\ y=(k-v)x+b_2-b \end{cases}$$

Тенгламалар системаси $k-v=k-v$ эканлигидан параллел тўғри чизиқларни ифода этади. Теорема исбот бўлди.

Ушбу теореманинг исботини 1-қисмида келтирилганларни чизмамда қуйидагича келтириш мумкин.



Демак, (1.1.1) ҳаракат ярим Евклед тикеслиги учун буриш ва параллел кўринишдан иборат экан.

Таърифдан келиб чиққан ҳолда $M(x_1; y_1)$ ва $N(x_2; y_2)$ нуқталар охиридаги масофани

$$|MN| = |x_2 - x_1| \quad (1.1.4)$$


Кўринишида аниқлаш мукин.

Агар $x_1 = x_2$ бўлса, М ва Н нуқталар орасидаги масофа 0 га тенг бўлади. Бундай ҳолларда нуқталар орасидаги иккинчи масофа

$$|MN| = |y_2 - y_1| \quad (1.1.4)$$

га тенг бўлади. Шунинг учун ярим Евклид текисликлари бўинган материали текисликлар деб аталади. Буларга асосланиб, нуқталар орасидаги масофани қуйидаги кўринишларда белгилаш мумкин.

Ярим Евклид маъносидаги $|MN|_1$ -биринчи, $|MN|_2$ - масофалар. $|MN|_1$ масофа [MN] кесманинг Ох ўқидаги прожекциясини ифода қилса, $|MN|_2$ масофа Евклид маъносидаги кесма узунлигини ифодалайди.



Нуқталар орасидаги масофа (1.1.1) ҳаракатда инвариант эканлигини кўриш мумкин. $A(x, y)$ ва $B(x_1, y_1)$ нуқталар берилган бўлсин. (1.1.1) ҳаракатда бу нуқталарнинг образлари $A'(x', y')$ ва $B'(x'_1, y'_1)$ лар бўлсин. У ҳолда $x' = x_1' + vx$ ва $y' = y_1' + vx + by$, $y'_1 = y_1' + vx + by_1$ бўлади. Бундан $y'_1 - y' = (x + y_1 + b) - (x + y_1 + b) = y_1 - y$ келиб чиқади.

Ярим Евклид текислигига берилган таърифдан ва нуқталар орасидаги масофадан фойдаланиб, айланага таъриф берамиз.

1.1.2-таъриф: Берилган нуқталардан бир хил масофада ётган нуқталар тўпламига айлана деб аталади.

$M(x, y)$ айлананинг ихтиёрий нуқтаси $O(a, b)$ еса берилган нуқта бўлсин.
 У ҳолда (1.1.4) га кўра


$$|OM| = x - a = R^2 \quad \text{ёки} \quad x = \sqrt{R^2 + a} \quad (1.1.7)$$


(1.1.7) тенглама Евклид текислигида иккита ўзaro параллел тўғри чизиқни ифодалайди. Демак $x = \pm a$ кўринишидаги иккита тўғри чизиқ ярим Евклид текислиги учун маркази $O(a, b)$ нуқтада бўлган айлананинг тенгламаси экан.

Маълумки $[a, b]$ Евклид текислигида иккита тўғри чизиқ орасидаги бурчак деб маркази шу тўғри чизиқларнинг кесишган нуқталари бўлган бирлик айлананинг тўғри чизиқлар билан чегараланган, ёйнинг узунлигига тенг. Бу тушунчани ярим Евклид текислигидаги кўриниши оддий Евклид маъносидаги кесма узунлиги бўлади. Шунинг учун $y = k_1x + b_1$, $y = k_2x + b_2$ тўғри чизиқлар орасидаги бурчак

$$\delta = k_2 - k_1 \quad (1.1.8)$$


га тенг бўлади.





1.2.§. Евклид текислигидаги айлананинг ярим Евклид текислигидаги кўринишлари.

Маълумки, [] Евклид текислигидаги айланага мутурли хил таърифлар бериш мумкин. Масалан, берилган нуқтадан бир хил масофада ётган нуқталар тўплами ёки берилган кесма фақат тўғри бурчак остида кўринувчи нуқталар тўпламига айлана деб аталади. Келтирилган таърифнинг 1-қисми Ярм евклид текислигида иккита параллел тўғри чизик эканлигини 1.1§ да кўриб чикдик. Енди шу таърифнинг иккинчи қисмининг ярим Евклид текислигидаги кўринишидаги кўринишини аниқлайлик. Берилган кесма учлари $A(a_1, a_2)$ $B(b_1, b_2)$ кўринишидаги координаталарга ега бўлсин. $M(x, y)$ еса $[A, B]$ кесма ўзгармас бурчак остида кўрина, диган нуқталар тўпланининг ихтиёрий нуқтаси бўлсин.



(АМ) ва (БМ) тўғри чизиклар $y=kx+b$ ва $y=k_1x+b_1$ кўринишдаги тенгламаларга ега бўлсин. Бу тенгламаларни Евклид текислигидаги икки нуктадан ўтувчи тўғри чизик тенгламасидан ҳам ҳосил қилиш мумкин [1]. Бу ерда

$$K = \frac{y - a_2}{x - a_1} \quad \text{ва} \quad K_1 = \frac{y - b_2}{x - b_1}$$

бўлиб бу рчаққа белрилган таърифга асосан

$$\alpha = k_1 - k = \frac{y - b_2}{x - b_1} - \frac{y - a_2}{x - a_1}$$

бўлади. Бу бурчак ўзгармас бўлганлиги учун

$$\frac{y - b_2}{x - b_1} - \frac{y - a_2}{x - a_1} = \alpha$$

$$\alpha(x - b_1)(x - a_1) - (x - a_1)(y - b_2) + (x - b_1)(y - a_2) = 0$$

$$(b_1 - a_1) = \alpha x^2 + [(b_2 - a_2) - \alpha(b_1 + a_1)]x + \alpha a_1 b_1 - a_1 b_2 + a_2 b_1$$

$$y = \frac{\alpha}{b_1 - a_1} x^2 + \frac{[(b_2 - a_2) - \alpha(b_1 + a_1)]}{b_1 - a_1} x + \frac{\alpha a_1 b_1 - a_1 b_2 + a_2 b_1}{b_1 - a_1}$$

бу ерда,
$$a = \frac{\alpha}{b_1 - a_1}, \quad b = \frac{(b_2 - a_2) - \alpha(a_1 + b_1)}{b_1 - a_1}, \quad c = \frac{\alpha a_1 b_1 - a_1 b_2 + a_2 b_1}{b_1 - a_1}$$

кўринишидаги белгилашлар кирицак,

$$y = ax^2 + 2bx + c \quad (1.2.1)$$

Ҳосил бўлади. Бу еса Евклид текислигидаги парабала тенгламасидир.

Ярим Евклид текислигида бирор аффин координаталар системасига нисбатан координаталари (1.2.1) тенгламани қаноатлантирувчи нукталар тўпламига цикл деб аталади. Маълумки, [2] Евклид текислигидаги айлананинг ҳар бир нуктасидаги егрилиги ўзгармас сонга $1/R$ га тенг. Агар (1.2.1) параболанинг егрилигини ҳисобласак у ҳам ўгармас сонга тенг бўлади.

(1.1.1) § даги ярим евклид текислигидаги ҳаракатда сикл яна сиклга ўтиншини кўрсатайлик. Ҳаракат тенгламасини

$$\begin{cases} x_1 = x \\ y_1 = vx + y \end{cases} \quad (1.2.2)$$

кўринишида олайлик. (1.2.2) ни поарабола тенгламасига қўйсак

$$vx + y = ax_1^2 + 2bx_1 + c \quad y = ax_1^2 + (2b - v)x_1 - c$$

яна сикл тенгламаси ҳосил бўлади.

Демак, сикл ярим евклид геометриямси тушуннчаларидан бири экан, чунки у галилей ҳаракатига нисбатан инвариантдир.

Агар ҳаракат тенгламасини

$$\begin{cases} x' = x + \frac{v}{2a} \\ y' = vx + y + \frac{v^2}{4a} \end{cases} \quad (1.2.3)$$

Кўринишида олсак бу ҳаракат парабола нуқталарини яна шу парабола нуқталарига акслантиради. Евклид текислигида ҳар бир нуқтасидаги егрилиги ўзгармас бўлган чизиклар айлана ва тўғри чизик бўлса, ярим евклид текислигида бундай хоссага ега бўлган чизиклар сикл билан тўғри чизикдир.

Евклид текислигидаги айлананинг бирор йўналишга параллел бўлган ватарлариунинг ўрталари битта тўғри чизикқа тегишли бўлади. Бу тўғри чизикнинг айлана билан чегараланган бўлаги дастлабки ватарларга қўшма ватар деб аталади []. Шунга ўхшаш бирор сикл берилган бўлса, махсус йўналишга параллел бўлмаган бирор тўғри чизикқа параллел тўғри чизиклар тўплами сиклни параллел ватарларини ҳосил қилади. Бу параллел ватарларнинг ўрталари битта тўғри чизикда ётади. Айлана унга тегишли бўлмаган нуқтадан ўтказилган уринмаларининг узунлиги ўзоро тенг. Шунга ўхшаш сиклга унга тегишли бўлмаган бирор нуқтадан ўтказилган уринмаларнинг узунликлари ўзоро тенг бўлади.

Ярим евклид текислигининг аксиомалари системасига тўхташдан олдин евклид геометрияси аксиомаларини ва улардан келиб чиқадиган баъзи натижаларни келтирайлик.

1.2. § Хозирги Евклид геометрияси аксиомалари ва улардан келиб чиқадиган натижалар

Боглиқлик аксиомалари ва улардан келиб чиқадиган натижалар
Элементар геометрия аксиомалари беш гуруҳга бўлиб урганилади.

I- гуруҳ, саккизта боглиқлик аксиомаларини уз ичига олади.

II-гуруҳ, тўртта тартиб аксиомаларидан иборат.

III -гуруҳ, бешта конгруентлик аксиомаларидан тузилган.

IV- гуруҳ битта узлуксизлик аксиомасидан ташкил топган.

V-гуруҳ, битта параллеллик аксиомасини уз ичига олади.

Боглиқлик аксиомаларида нукта, тугри чизик ва текисликларни узаро жойлашиши хоссалари хақида суз юритилади ва «тегишли» сузи билан ифодаланилади.

Бунда «а нукта а тугри чизикка тегишли», «а нукта а тугри чизикда ётади» ва «а тугри чизик а нуктадан утади» каби жумлалар тент кучли, «а нукта а текисликка тегишли», «а нукта а текисликда ётади» ва «а текислик а нуктадан утади» каби жумлалар тент кучли деб хисобланади. Агар С нукта а ва б тугри чизикларга тегишли булса, а ва б тўғри чизиклар С нуктада кесишади дейилади. а тугри чизикнинг барча нукталари а текисликка тегишли булса а тугри чизик текисликда ётади ёки а текислик а тугри чизик оркали утади деб аталади.

Қ ва Р текисликларнинг хар бири а тугри чизик оркали уца, Қ ва Р текисликлар а тугри чизик бўйича кесишади дейилади.

Биринчи гуруҳ куйидаги саккизта аксиомалардан ташкил топган:

I₁ аксиома. Л ва В нукталар кандай булмасин, бу нукталарнинг хар биридан утувчи с тугри чизик мавжуд.

I₂ аксиома. Турли а ва В нукталар кандай булмасин, бу нукталардан утувчи биттадан ортик булмаган тугри чизик мавжуд.

Бу икки аксиомани куйидагича ифодалаш мумкин: Исталган иккита турли нукталар бу нукталардан утувчи битта ва факат битта тугри чизикни аниқлайди.

И₃ аксиома.)гар бир тугри чизикда камида иккита нукта ётади. Бир тугри чизикда ётмайдиган камида учта нукта мавжуд.

1₄ аксиома, а, в, С нукталар қандай булмасин, бу нукталарнинг ҳар биридан утувчи л текислик мавжуд. Ҳар бир текисликда камида битта нукта ётади.

И₅ аксиома. Бир тугри чизикда ётмайдиган а, в, С нукталар қандай булмасин, бу нукталарнинг ҳар биридан утувчи биттадан ортик булмаган текислик мавжуд.

1₆ аксиома, д тўғри чизикнинг А ва В нукталари α текисликда ёца, д тугри чизик ҳам текисликда ётади.

1₇ аксиома, Қ ва Р текисликлар битта умумий С нуктага ега булса (текисликларнинг ҳар бирида ётувчи нукта), уларнинг яна камида битта умумий Д нуктаси мавжуд.

1₈ аксиома. Бир текисликда ётмайдиган камида туртта нукта мавжуд.

Богликлик аксиомаларидан бир неча натижалар келиб чиқади. Бу натижалардан баъзиларини келтирамиз.

1.3—теорема. Иккита тўғпу чизик биттадан ортик булмаган умумий нуктага ега. Иккита текислик ёки умумий нуктага ега емас ёки умумий тугри чизикка ега. Текислик ва унда ётмайдиган мўғпу чизик биттадан ортик булмаган умумий нуктага ега.

Исбот. Биринчи тасдиқнинг исботи 1₂ аксиомадан келиб чиқади. Яъни, тескарисини фараз киламиз. а ва б тугри чизиклар бир—биридан фаркли булиб, умумий С нуктадан ташкари Д нуктага ҳам ега булсин. У холла, С, Д нукталар а, б тугри чизикларга тегишли экани келиб чиқади. С ва Д нукталар а, б тугри чизикларга тегишлилигидан И₂ аксиомага кура а тугри чизик билан б тугри чизик устма —уст тушади. Бу зиддият биринчи тасдиқни исботлайди.

Иккинчи тасдиқни исботлайлик. Қ ва Р текисликлар умумий П нуктага ега булсин деб фараз килайлик. 1₇ аксиомага кура Қ ва Р текисликлар Р дан фаркли умумий Қ нуктага ега булади. Р ва Қ нукталардан утувчи тугри чизик Қ ва Р текисликларнинг ҳар бирида ётади. Демак, а тугри чизик Қ ва П текисликларнинг умумий нукталаридан ташкил топтан экан. Бундан ташкари, а тугри чизик а ва р текисликларнинг барча умумий нукталарини уз ичига олади. Ҳақиқатдан ҳам Қ ва П текисликларнинг а тугри чизикда ётмайдиган умумий Р нуктаси бор деб фараз килайлик. У холда, Қ ва П текисликларнинг бир тугри чизикда ётмайдиган умумий учта Р, Қ, Р нукталари мавжуд булади. 1₅ аксиомага кура Қ ва П текисликлар устма —уст тушади. Шундай килиб, Қ ва П текисликлар тугри чизик буйича кесишар экан. Тасдиқ исботланди.

Учинчи тасдиқ еса 1₆ аксиомадан келиб чиқади. Ҳақиқатдан ҳам, текислик ва унда ётмайдиган тугри чизикнинг иккита умумий нуктаси булсин деб фараз килсак, 1₆— аксиомага кура тугри чизик текисликда

ётиши келиб чиқади. Бу зиддият теореманинг учинчи тасдиғини исботлайди. 1.3—теорема исботланди.

1.4—теорема. Тўғпу чизик ва унда ётмайдиган нукта, ҳамда иккита кесишувчи мўғпу чизиклар орқали битта ва фақат битта текислик утади.

Исбот. Биринчи тасдиқни исботлаймиз. Б нукта а тугри чизикка тегишли эмас деб фараз қилайлик. 1₃ аксиомага кура а тугри чизикда камида иккита нукта мавжуд. Бу нукталарни р ва Қ деб белгилайлик. И₄ аксиомага кура В, Р, Қ нукталардан утувчи л текислик мавжуд. 1₆ аксиомага кура я текислик а тугри чизик орқали утади. 1₅ аксиомага кура бир тугри чизикда ётмайдиган В, Р, Қ нукталардан утувчи текислик ягона равишда аниқлангани

учун а тўғри чизик ва Б нуктадан утувчи Қ дан бошқа текислик мавжуд эмас.

Энди иккинчи тасдиқни исботлаймиз. а ва б тугри чизиклар С нуктада кесишади деб фараз қилайлик. 1₃ аксиомага кура а тугри чизикда С дан фаркли А нукта, б тугри чизикда С дан фаркли В нукта мавжуд. А, В, С нукталар бир тугри чизикда ётмайди. 1₄ аксиомага кура А, В, С ларнинг ҳар биридан утувчи я текислик мавжуд. 1₆ аксиомага кура п текислик а ва б тугри чизиклардан утади. 1₅ аксиомага кура бу текислик ягона.

1.4 —теорема исботланди.

1.5—теорема. Ҳар қандай текислик бир мўғпу чизикда ётмайдиган камида учта нуктани уз ичига олади.

Исбот. 1₈ аксиомага кура Қ текисликда ётмайдиган В нукта мавжуд. 1₃ аксиомага кура АВ тугри чизикдан ташқарида С нукта мавжуд. А нукта АВС ва я текисликларнинг умумий нуктаси эканидан, 1₇ аксиомага кура уларнинг яна камида битта умумий Д нуктаси бор. Шундай қилиб, Қ текисликда А нуктадан ташқари Д нукта ҳам мавжуд. 1₈ аксиомага кура ЛВП текисликда ётмайдиган Е нукта мавжуд. 1₄ аксиомага кура АВЕ текислик мавжуд, 1₇ аксиомага кура, АВЕ ва Қ текисликлар А дан фаркли умумий Ф нуктага ега (1₆ аксиомага кура Ф нукта АВ тугри чизикда ётмайди). Ф вас нукталар АВ тугри чизикда ётмаслигидан, 1.4—теореманинг иккинчи тасдиғига кура улар АБФ ва АБД текисликларнинг умумий нукталари була олмайди, бу ердан Д ва Ф нукталар ҳар хил экани келиб чиқади. Шундай қилиб, Қ текисликда учта А, Д, Ф турлича нукталар мавжуд экан.

1.5 —теорема исботланди.

Тартиб аксиомалари ва улардан келиб чиқадиган натижалар

Биз тугри чизикдаги нукта шу тугри чизикдаги бошга иккита нуктага нисбатан тайин муносабатда «орасида ётади» деб фараз қиламиз. Бунда қуйидаги аксиомаларнинг шартлари бажарилган бўлиши керак.

ИИ₁ аксиома. В нукта Л ва С нукталар орасида ёца, у холда А, В, С битта тугри чизикнинг турли нукталари булиб, В нукта С ва А нукталар орасида ҳам ёцин.

ИИ₂ аксиома. А ва С нукталар кандай булмасин, АС тугри чизикда хеч булмаганда битта В нукта мавжуд булиб, С нукта А ва В нукталар орасида ёцин.


ИИ₃ аксиома. Тугри чизикнинг ихтиёрий учта нуктаси ичидан колган иккитасининг орасида ётувчи биттадан ортиқ булмаган нуктаси мавжуд.

ИИ₁ — ИИ₃ аксиомалар тартибнинг чизикли аксиомалари дейилади.

Таъриф. А ва В нукталар жуфтлиги кесма деб аталади ва АВ ёки ВА каби белгиланади. А ва В нукталар орасида ётувчи нукталарни АВ кесманинг ички нукталари ёки оддий килиб АВ кесманинг нукталари, А ва В нукталарни еса кесманинг учлари дейилади.

ИИ₄ аксиома. (Паш аксиомаси) А, В, С — бир тугри чизикда ётмайдиган нукталар ва а АВС текислигида ётиб, А, В, С нукталарнинг бирортасидан ҳам утмайдиган тугри чизик деб фараз килайлик. Агар а тугри чизик ЛВ кесманинг бирор нуктасидан уца, у холда а тугри чизик АС ва ВС кесмалардан факат биттасининг ички нуктасидан утади.


1.6—теорема. Хар кандай АС кесма камида битта Д нуктани уз ичига олади.



Исбот. 1₃ аксиомага кура АС тугри чизикдан ташкарида ётувчи Е нукта мавжуд. ИИ₂ аксиомага кура А тугри чизикда шундай Ф нукта мавжудки, бунда Е нукта АФ кесманинг ички нуктаси булади (7—расм). П₂ аксиомага кура ФС. тугри чизикда шундай Г нукта мавжудки, С нукта Ф ва Г нукталар орасида ётади. ИИ₃ аксиомага кура Г нукта Ф ва С нукталар орасида ётмайди. ИИ₄ аксиомага кура ЕГ тугри чизик АС ва ФС кесмалардан биттасининг ички нуктасидан утади. Лекин

ЕГ тугри чизик ФС кесмани кесиши мумкин емас, акс холда Иж ва 1₂ аксиомаларга кура каралаётган барча нукталар бир тугри чизикда ётиши келиб чикади. А, Е, С нукталар бир тугри чизикда ётмаслиги маълум. Бундан еса, ЕГ тугри чизик кесма билан бирор Д нуктада кесишиши келиб чикади. Натижада, А ва С нукталар орасида ётувчи Д нуктанинг мавжудлиги исботланди.

1.7—теорема. Бир мўғпу чизикда ётувчи хар кандай А, В, С нукталардан ҳар доим колган иккитасининг орасида ётувчи битта нукта мавжуд.



Исбот. А нукта 5 ва С нукталар орасида, С нукта А ва В нукталар орасида ётмасин деб фараз килайлик. 1₃ аксиомага кура АС тугри чизикдан ташкарида Д нукта мавжуд.

